


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Геология фанлари университети
- Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси
- Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институти (ИГИРНИГМ)

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 – сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
1.2.1.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	
1.2.2.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	
1.2.3.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	
1.2.4.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий вазифалари.....	
2.	70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	
2.1	Умумий компетенциялар.....	
2.2	Касбий компетенциялар.....	

1. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислиги Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

– магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура касбий фаолиятининг соҳалари:

70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги – нефть ва газ геологияси соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, акциядорлик жамиятларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан: нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви разведкаси институтида илмий тадқиқотларни лойиҳалаш ва амалга ошириш ишлари билан шуғулланувчи, ҳар хил мулк шаклидаги, саноат ва бизнес ташкилотлари комплексини қамраб олади.

1.2.2. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар;

- улар томонидан худудларда нефть ва газ конларини қидириш ва баҳолаш бўйича олиб бориладиган дала (экспедиция), бурғилаш ишлари;
- тоғ жинслари ва нефть ва газ наъмуналарининг моддий таркибини таҳлил қилишга мослаштирилган лаборатория мажмуалари, уларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, замонавий жихозлари;
- нефть ва газ конларини қидириш, разведка қилиш ва баҳолашга доир масалаларни ечиш бўйича тўпланган маълумотлар талқини ва компьютер дастурлари асосида уларни қайта ишлаш мажмуалари;
- соҳада геофизикавий, геохимёвий, литологик ва бошқа усулларни қўлланиши;
- олинган маълумотлардан фойдаланадиган ва уларни талқин қилиш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш корхоналари, бирлашмалар, илмий-тадқиқот институтлари, ОТМ ларнинг илмий тадқиқот лабораториялари;
- тоғ-кон назорат инспекциялари;
- ГАТ технологиялари;
- педагогик ва ахборот технологиялари.

1.2.3. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- лойиҳалаш-конструкторлик фаолияти;
- олий, малака ошириш, қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида педагогик фаолият;
- турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазибалари

70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазибаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий–тадқиқот фаолиятида:

- ишлаб чиқилган дастурлар асосида геологик жараёнлар, уларнинг хосилалари, тоғ жинслари, минераллар, қаттиқ, суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар, Ер қаърининг физик ҳолати, нефть ва газ конлари генезиси, турлари, таркибий тузилишини аниқлаш;
- нефть ва газ хом ашёси сифати ва уни сертификатлашни таъминлаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтез қилиш ва оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш;
- интернет тармоғидан нефть ва газ конларини қидиришнинг замонавий самарали усуллари ҳақидаги энг янги илмий маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий–тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини муваффақиятли ечиш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- ташкилотнинг геологик-ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли қарорлар, буйруқлар, топшириқлар ва бошқа бошқарув материалларини;
- худуд геологиясининг нефтьгаздорлиги ва конларини;
- нефть ва газ конларини қазиб олиш қоидаларини;
- қазиб олинаётган хом ашёга бўлган саноат талабларини;
- бурғи қудуқларининг мавжуд промышловых ва геофизикавий тадқиқот усулларини;
- бурғи қудуқларини қазил ва эксплуатация қилишни ва қўлланилаётган асбоб-ускуналар тавсифини;

- бурғилаш технологиялари асосларини, бурғи қудуқларини жорий ва капитал таъминлашни;
- иқтисодиёт асосларини, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш;
- геологик ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини;
- чизма-графикларни тузиш тамойиллари ва усулларини, геологик ҳужжатлашни ва каратаж материалларини қайта ишлашни;
- ер қаъри ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини;
- хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини;
- геологик материалларни ҳисобга олиш ва сақлаш қоидаларини;
- меҳнат қонунчилиги асосларини билиши керак:

– ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;

– фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

– иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

– амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Лойиҳалаш–конструкторлик фаолиятида:

- Нефть ва газ конлари геологиясининг стратегик йўналишларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш лойиҳасини тизимий ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар натижалари бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда информацион технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини (тайёргарлик профилига мос равишда) қўллаш.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда:

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув лабораторияларида ўтказиш қобилятига эга бўлиши;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш қобилятига эга бўлиши;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилятига эга бўлиши;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилятига эга бўлиши;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши;

– электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

– узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Турли хизматлар кўрсатиш:

– мутахассислик бўйича нефть ва газ конлари ҳосил бўлиш жараёнларини амалий математик моделлари ва ГИС хариталарини ишлаб чиқиш;

– Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирок этиш;

– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

2. 70721602 - Нефть ва газ конлар геологияси, қидирув ва разведкаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган восита ва ресурсларини тўғри режалаштириш;

- ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келишини назорат қилиш;

- муҳандислик ва конструкторлик ечимларни амалиётга тадбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш бўлимлари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажариладиган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитга таъсирини ва ишчи-хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиб бориш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий таълим дастури (бакалаврият дастури), литосфера, қабарик структуралар, ботик структуралар, брохиоантиклиналар, чўкинди тоғ жинслари, қоплама ётқизиклар, дельта чўкиндилари, дельвий, денгиз ётқизиклари, деформация, геологик структуралар, геологик суратга олиш, тоғ жинсларини таърифлаш, нефть ва газли хавзалар, нефть ва газли минтақалар, нефть ва газ конлари захиралари, потенциал ресурслар, нефть, газ, углеводородлар, органик углеводородлар, нефть ва газ конлари генезиси, нефть ва газ қопқонлари, коллекторлар, нефть ва газ кимёси, бурғи қудуқлари, керн, кернларни хужжатлаштириш, нефть ва газдан намуналар олиш, нефть таркиби, табиий газ таркиби, литологик устун, геологик кесма, қиёсий кесмалар, геологик хариталаш, палеогеографик хариталаш, нефть ва газ геологиясида ГАТ технологиялари, геологик моделлаш, геофизикавий моделлаш, дастурий таъминотлар,.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Геология фанлар университети

Ректор в.б.  М.У.Исоқов

2022 йил « 29 » 08

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази


Директор  Ш.У.Якубов

М.Ў.



2022 йил « 08 »

Ислом Каримов номидаги
Тошкент Давлат Техника университети

Ректор  С.М.Туробжонов

2022 йил « 29 » 08



“Ўзбекгеофизика” АЖ


Бошқарув раиси  Р.А.Юсупжонов

М.Ў.



2022 йил « 29 » 08

“Нефть ва газ конлари геологияси
хамда қидируви институти” ДМ

Директор  О.А.Қаршиев

2022 йил « 29 » 08

